

INFORMATION FOR FUTURE TEACHERS GERMENEVIC IN THE FORMATION OF CULTURE FUNDAMENTALS OF APPROACH

Yusufjonova Feruzaxon Qurbonovna

Fergana State University

Teacher of the department of interfaculty foreign languages

Sulaymonov Qurbon

Associate Professor of Fergana State University

Annotation: This article examines the development of information and psychological security skills of future teachers on the basis of a hermeneutic approach, the formation of a culture of rational use of information.

Keywords: Information and psychological security, information, hermeneutics and hermeneutic approach, threats, information attacks.

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини шакллантириш узлуксиз жараён бўлиб, у яқин, ўрта ва узоқ муддатли мақсадларни қамраб олади. Бўлажак ўқитувчиларда аниқ ва реал мақсадга йўналган ахборот маданиятини шакллантириш эҳтиёж, қизиқиш, шарт - шароит уйғунлигига асосланади. Бундай ахборот маданияти талаба-ёшлардаги ижобий ахборот асосидаги тасаввур ва тушунчаларнинг бир бутунлиги ҳамда ёшларнинг шу асосдаги дунёқарабини тўғри шакллантириш жараёнининг ҳосиласидир. Талаба-ёшлар ахборот маданияти тамойилларини тарбиялашнинг асосий мақсади жамиятнинг йирик ижтимоий тарбия масканларида, хусусан ёшлар тарбиясининг муҳим объектлари ҳисобланган ўқув муассасаларида, шу қаторида ОАВ, айниқса телевидениедек фаол ахборот тарқатиш воситасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашига самарали ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги ахборот маданияти талаба-ёшлар учун ахборот хавфсизлигининг ўзига хос ҳимоявий ўзаги бўлиб, у ёшларни мустақил фикрий фаолиятга бошловчи маънавий кучларга илҳом бериб туради. Айни пайтда ахборот маданияти ўқувчи талабанинг ўз билими ҳамда маънавий қарашларини амалиётга татбиқ этиши жараёнида таркиб топади[4]. Шунинг учун у ҳам талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришда уларнинг ўз ғояларидан, билимларидан фойдалана олишга ўргата борилиши, ўз мустақил фикрларини бемалол тўлиқ намоён қила олиши учун маънавий рағбатлантириб бориш яхши самара беради. Мана шундай ёндашув асосида ҳар бир талаба-ёшларда муайян ахборотнинг мазмун ва моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, бу соҳадаги фаолиятини режалаштириш ва амалга ошириш кўникмалари пайдо бўлади. Шу маънода ахборот маданияти ҳар бир ўқувчи талабанинг ахборот майдонида, мустақил фикрлаш, мустақил ҳаракат қилиш ва мустақил фаолиятда бўлишга муайян маънавий асос вазифаларини бажаради. Бу ўз навбатида ўқувчи талабада ахборот соҳасида ўз ғояси, фикрига ишониш, уни намоён қилиш асосидаги муайян мақсадни рўёбга чиқариш имконини яратади. ва ўз ғоясига ишончни шакллантириш ғоявий собитлик фазилатларига замин тайёрлай боради.

Ислохотлар жараёни тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда талабалар тарбияси билан боғлиқ эзгу ғояларининг туб моҳиятини чуқур англаш, қўлга киритилган натижаларни ёшлар маънавий муҳитига синдириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги тамойилларни замон талаблари асосида ислоҳ қилиш, ёш авлодни маънавий-руҳий ҳамда жисмонан соғломлаштириш жараёнига самарали ва таъсирчан воситалар жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жиҳатдан ахборот маданиятининг ҳар бир талабани эзгу ғоялар асосида, умумий маслак руҳида тарбияланганлик даражасини таъминлашдир. Шу маънода бу борадаги ахборот маданияти ҳар бир талаба онги ва шуурида тарихан таркиб топган

миллий қадриятларимиз, асрий анъаналар, урф-одатларга таянган ҳолда ёшлар онгига миллий манфаатларимизга содиқлик ғояларини сингдириш, бу жараённинг ижтимоий механизмлари ва тамойилларини ўрганишни тақозо этади. Айни пайтда ахборот маданияти асосланадиган мавжуд вазият, ютуқ ва муаммолар таҳлил қилиниб, зарур илмий тавсиялар, фаразлар ишлаб чиқиши ва уларга оммабоп, тушунарли тилда ёзилган китоб ва рисоалар, тарбиячилар, муаллим ва ўқитувчилар, зиёлилар учун махсус ўқув қўлланмалари тайёрланиши мақсадга мувофиқ[6]. Бу бир томондан ҳар бир талабанинг ушбу йўналишдаги манбалар ва илмий тавсияларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Иккинчидан, ахборот маданияти амалиётида ижодий қўлланилади ҳамда муайян даражада ёшлар орасида олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ишлари мазмуни, шакли, воситаси ва методларини белгилайди.

Тажриба шундан далолат берадики, бўлажак ўқитувчиларнинг ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини яратиш ишлари олий таълим муассасаларида нисбатан осон амалга оширилади. Чунки, биринчидан, ушбу даргоҳларда мавжуд бўлган педагогик шарт-шароитлар маҳаллаларда йўқ. Яъни, таълим муассасаларида мафкуравий профилактика ишларини махсус педагогик, психологик тайёргарликка эга бўлган мутахассислар, педагоглар олиб борадилар. Иккинчидан, талаба-ёшлар муайян вақт ичида махсус ташкил қилинган дарс ва аудиторияларда жам бўлиб ўтирадилар. Уларда таълим-тарбия жараёни режали, умумий педагогик талаблар асосида, мақсадли, изчил, йил давомида амалга ошириб борилади. Бундан фарқли тарзда, талаба-ёшлар яшайдиган ва турли савия, касб эгаларидан иборат оилалардан ташкил топувчи шаҳар, қишлоқлар ва маҳаллаларда эса ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини яратиш мутлақо бошқача кечади. Яъни, бу жиҳатларда содир бўладиган (1 минут, 5 минут, 1 соат, 1 кун ичида) воқеа, ҳодиса, муносабатларнинг қандай кечишини ҳеч ким олдиндан била олмайди. Бу эса жойларда ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини яратиш жараёнини бошқариш, содир бўлиши мумкин бўлган, қутилмаган вазиятларни олдиндан билиш қийинлигини кўрсатади. Шу боис, талаба-ёшларнинг яшаш жойларидаги маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масъуллар ва хизматчилар қуйидаги ахборот тарбияси ва ахборот маданиятига оид махсус билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари зарур:

- талабалар орасида амалга ошириладиган ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини шакллантириш масаласини чуқур тушуниш;

- ахборот тарбияси ва ахборот маданияти услубларини билиш, бунга доир усуллар ва воситаларини қўллай олиш;

- ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини шакллантириш усулларини билиш ва қўллай олиш;

- ахборот тарбияси ва ахборот маданияти босқичларини яхши фарқлаш, улар механизмни такомиллаштириш йўллари пухта билиш ва ҳақоза.

Талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш узлуксиз жараён бўлиб, таълим давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли ахборот маданияти олдида қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам вужудга келаверади. Мутахассислар фикрича, ушбу талабларни самарали адо этишда тинимсиз ўзгариш ва янгиланишни тақозо этадиган ахборот маданиятини яратиш учун мунтазам иш олиб бориш зарур. Бу борада суҳбат, учрашув, маданий-маърифий тадбирлар, ОАВ бўйича чиқишлар, бадиий кечалар ўтказиш, интеллектуал шоулар ташкил қилиш ва бунда ижодий жамоалар давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш амалий натижага олиб боради.[8] Айни пайтда, муаммоли талаба-ёшлар билан яқка тартибда индивидуал суҳбатлар ўтказиш бошқа тарбиячилар билан тажриба алмашиш; намунали ўқув масканлари тажрибасини оммалаштириш, кабилар ҳам бу жараённинг самарасига хизмат қилади. Шу билан бирга давлат ва жамоат ташкилотлари орқали чоп этилган маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия ҳамда ахборот маданиятига оид буклетлар, қўлланмалар ва рисоаларни тарқатиш, турли халқ сайллари; миллий байрамларни ўтказиш бўйича ташкилий ва маънавий-маърифий ишларга талаба-ёшларни кенг жалб қилишга эришиш бу борадаги имкониятларни кенгайтиради[3].

Ҳозирги даврда катталар ва ёшлар ўртасидаги ўзаро дўстона мулоқот - ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини муҳим омилларидан биридир. Қишлоқларда, ҳатто туман марказларида яшаётган ёшлар бир-бирини яхши танийдилар. Бундан ташқари уларнинг ҳар бир ҳаракати қўни-қўшнилар, маҳалла фаоллари назоратида бўлади. Шу сабабли ҳам уларнинг ҳар қандай ноҳўя ҳатти-ҳаракати дарров кўзга ташланади, муҳокама қилиниб, тегишли танбеҳ берилади. Демак, бундай шароитда тарбия топаётган болалар мунтазам назорат остида бўладилар. Лекин кўп қаватли уйлар, микрорайонлардаги ижтимоий муҳит ҳақида бундай деб бўлмайди. Кўпқаватли уйларда кўпчилик бир-бирларини танимайди. Шу сабабли бундай уйдан чиққан, назоратсиз қолган баъзи ёшлар эркинликни нотўғри тушунади ва беихтиёр кўнгли тусаган ишни қилишга ҳаракат қиладилар. Уларнинг нопок тўдаларга, турли ахборот хуружларига, маънавий бузилиши ва жиноят содир қилиш эҳтимоли юқори бўлади. Бундай ҳолда кўпқаватли уйлар яқинидаги ўқув юртлари, тарбия масканлари, маҳалла қўмиталари, милиция нозирлари, таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича хизматчилар, вояга етмаганлар билан шуғулланувчи участка нозирлари биргаликда ҳаракат қилиб, ёшларнинг маънавий соғломлиги масаласига алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади[12]. Айни пайтда, турли ОАВ орқали тарқаладиган бузғунчилик, талабаларни ҳимоялаш нафақат бир ўқув юрти таъминлайди, балки бутун Ўзбекистон миқёсида ёшларнинг яқин қариндошлари, оға-инилари, яқинлари, туман, вилоят, республика аҳолисининг ахборот маданияти омилига айланади.

Талаба-ёшлар ахборот тарбияси ва ахборот маданияти, улар ўсиб катта бўлган сари, онги ва дунёқарашига кўра, ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб бораверади. Айниқса, 12 ёшдан 22 ёшгача бўлган ёшларни ахборот тарбияси ва ахборот маданияти алоҳида эътиборни талаб қиладди. Яъни, бу борада ҳам уларнинг ҳулқ-атвори, ўқиш ёки иши, бўш вақтини қимлар билан ўтказишини ҳар томонлама ўрганиш, тўғри йўлдан адашиб қолиш ҳолатлари юз бериш эҳтимолининг олдини олиш талабалар ахборот маданиятини самарали шакллантиришга ёрдам беради. Талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, айниқса, кўнгилочар, ёшлар нашрлари ўсмирлар катта таъсир кучига эга. Уларда ўсмирларнинг севимли “идеаллари”, улар орзусидаги идеал шахслар ҳақида турли хабарлар берилади. Бироқ баъзи ҳолларда улар томонидан миллий-маънавий қадриятларимизга мос келмайдиган қарашлар, ғоялар ҳам айтилади. Бу эса талаба-ёшларнинг шаклланаётган ахборот маданиятига нотўғри таъйидлар кириб келишига олиб келиши мумкин.

Ҳозирги замон талаба-ёшларнинг ахборот маданияти ОАВлар сони кўпаяётган телевизион каналларнинг янгидан-янги имкониятлари, видеотехника, компьютер ва интернет тармоғи кенгайиб бораётган бир шароитда шаклланимқда. Ўз навбатида бу ҳозирги глобаллашув шароитида ахборот тизимлари ва технологиялари орқали кўплаб ахборот хуружи ва оммавий маданият хавфи кучайиб бораётган бир жараёнда намоён бўлмоқда[7]. Бу жараёнда турли интернет-кафе, компьютер клублари, компьютер ўйинларини ташкил қиладиган шахслар ўқувчи талабани доимий муҳлисга айлантириш учун ОАВнинг барча имкониятларидан фойдаланимқдалар. Хилма-хил кайфият уйғотувчи ахборотлар орқали амалга ошириладиган ғоявий бузилишлар натижасида турли салбий ҳолатлар содир бўлмоқда. Ана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш учун тезкор чоралар кўриш ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини шакллантириш учун масъул бўлган мутахассис ёки тарбиячининг кундалик фаолият дастурига киритилиши лозим бўлган энг муҳим вазифасидир. Бизнинг фикримизча, ушбу қайд этилган муаммоларни ҳал этиш ишлари қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

-талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш ҳамда таълим бошқа йўналишларининг уйғунлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тизимни йўлга қўйиш лозим, яъни корхона ва ташкилотлар – жамоат ташкилотлари – оммавий ахборот воситалари – аҳоли;

-таълимнинг барча босқичларида “Ахборот хавфсизлиги” фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларга бу тўғрисидаги билимларни бериш орқали уларда ҳаётга нисбатан оқилона ва эҳтиёткорона муносабатда

бўлиш кўникмаларини шакллантириш ва унинг ўзлаштирилганлик даражасига аниқликлар киритиб бориш;

-талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш жараёнини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий-услубий материаллар билан тўла ҳажмда таъминлаш;

-талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш соҳасида ягона концепция ва стратегияни ишлаб чиқиш мақсадида илмий-услубий ва амалий фаолият марказини ташкил этиш;

-таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришга оид анжуманлар, кўргазмалар, конкурслар ва бошқа тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш;

-ёш авлод вакиллари ахборот профилактикасига қаратилган тадбирларда кенг иштирок этишини таъминлаш;

-таътилар жараёнида талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш лагерларини ташкил этиш;

-талаба-ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантириш маданиятини шакллантиришга қаратилган таълим, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда кўргазмалар воситалар, ўқув ва илмий адабиётларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, махсус ахборот-ноширлик марказларини ташкил этиш;

-талаба-ёшлар ахборот маданиятини шакллантириш маданиятини шакллантиришга оид билимларни шакллантирадиган ижтимоий фанларни ўқитиш учун юқори малакали педагог кадрларни ҳамда ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг барча жиҳатлари юзасидан замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Талаба-ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ва юксак ахборот таълимини йўлга қўйишнинг замонавий талаблари жамиятимизнинг барча жабҳаларида ёшлар омили аҳамиятини ошириш учун уларга қўйиладиган маънавий мезонлар мажмуини яратиш зарурияти туғилганини кўрсатади. А.Мухторов фикрича, бу жараёнда мураккаб масалаларни ижодий ҳал қилишга қодир, амалиётда ва мустақил иш жараёнида ўз фикрига эга бўлган ва муаммолар ечимини топишда фаоллик кўрсата оладиган, юқори интеллектуал маҳорат ва юксак иқтидорга эга ёш мутахассисларга бўлган талаб табиий равишда ошиб бормоқда[2].

Хулоса қилиб айтганда, талаба-ёшларнинг ахборот маданияти уларнинг дунёвий ва диний билим асосларини эгаллаган шахс бўлиб етишиши, соғлом эътиқод соҳиби бўлишлари учун маданий-маърифий муҳит яратиш, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд бўлган истеъдод куртакларини ривожлантириш учун зарур шароит яратиш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ҳал қилишни тақозо қилади. Шу билан бирга, ўқувчи ва талабаларни баркамол авлод даражасида тарбиялаш, улар орасидаги ахборот таълими ва ахборот маданиятини шакллантиришда оила, ўқув муассасаси, шаҳар, қишлоқ, маҳаллаларнинг ҳамкорлигини таъминлаш бу борадаги ишларини олиб боришнинг энг таъсирчан омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари ўқувчилар ва талабаларнинг ахборот тарбияси ва ахборот маданиятини шакллантириш ишларини ташкил этиш бўйича таълим муассасасининг иш дастурида, аввало, ёшларнинг моддий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий даражаси ҳақида маълумотларнинг мавжуд бўлиши мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимов К., Баҳрамов А. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. Т., 2001., 147-Б.
2. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общества, культура. –М., 2000.
3. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизими – Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шarti // Республика илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2013 йил 27 май). -Т.: ЎзМУ, 2013. –Б.392.

4. Кенжабоев А. Ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. –Т.:Ибн Сино, 2004
5. Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. 2-нашр. М.: Горячая линия – Телеком. 2006, - С.203.
6. Масуда Й. Информационное общество как постиндустриальное общество. М., 1981
7. Фуломов С. ва бошқ.Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Т.: Шарқ, 2000. 46 б.; Эркаев А. Глобаллашув, ахборот хуружи ва оммавий маданият. –Т. 2009. –Б. 18.
8. Мухаммад Амин Яхё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Тошкент. 2016. Мовароуннахр. - Б.295.
9. Муминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. –Т., “Turon zamin ziyo”, 2013
10. Мухторов А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
11. Мўминов Н. Ахборотлаштириш ва ҳаёт. –Т.: Фан, 2002., -191 Б.;
12. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. –Тошкент: O‘zbekiston, 2013.
13. Ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2014. –Б.346.
14. Мухторов А. Шахс тарбиясида миллий ғоя, эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003
15. Mirzarahimov, B. H. (2020). The Tasks Of Tourism In Aesthetic Education: The Harmony Of Historicity And Modernity. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(09), 652-658.
16. Mirzarahimov, B. (2019). The factor of good neighborhood and tourism development (Philosophical analysis). Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(1), 140-145.